Кози Байзовий асарларининг тадқиқи

Юлдашев Иззатилла Махкамович
Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти
“Тиллар” кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация. Мазкур мақолада буюк муфассир, фақиҳ ва мутакаллим Қози Носириддин Байзовийнинг ҳаёти, илмий фаолияти ҳамда ислом илмлари ривожига қўшган ҳиссаси ёритилган. Унда алломанинг таълим олиши, илмий камолоти, қозилик фаолияти, устоз ва шогирдлик анъаналари, шунингдек, фиқҳ, усулул-фиқҳ, калом, мантиқ, тарих ва тафсир соҳаларидаги илмий мероси таҳлил қилинган. Айниқса, унинг машҳур «Анворут танзил ва асрорут таъвил» тафсирининг яратилиш тарихи, илмий-услубий хусусиятлари ҳамда бошқа тафсирлар орасидаги ўрни очиб берилган. Шунингдек, Байзовий тафсирининг наҳв, фиқҳ, калом, тасаввуф ва фалакиёт илмлари билан узвий боғлиқлиги ҳамда унинг Қуръони каримни тафсир қилишдаги ўзига хос методологияси илмий манбалар асосида ёритилган.

Калит сўзлар: Қози Байзовий, Носириддин Байзовий, «Анворут танзил ва асрорут таъвил», тафсир, Қуръон тафсири, ислом илмлари, фиқҳ, усулул-фиқҳ, калом, наҳв, тасаввуф, фалакиёт, Шофеъий мазҳаби, муфассир, қози.

Қози Байзовийнинг тўлиқ исми Абдуллоҳ ибн Абул Қосим Умар ибн Муҳаммад ибн Абул Ҳасан Али ал-Байзовий. Абулхойр деган куняси ҳам бўлган. Носириддин деб лақаб олган эди ва Қози номи билан танилган эди.[1] Қози Байзовийнинг насаби Байзо шаҳрига боғлиқ. (Байзо араб тилидан таржима қилинганда “оқ ранг” маъносини билдиради). Бунинг сабаби Байзо шаҳрида узоқдан кўриниб турадиган оқ рангдаги қалъа бўлган. Шунинг учун ҳам бу шаҳар Байзо деб номланган.[2]

Қози Носириддин Байзовий Шероз минтақасига қарашли Байзо ўлкасида дунёга келди. Тарихчилар асарларида Байзовийнинг қайси санада туғилганини келтиришмаган. Лекин Байзовий ҳижрий 7 аср олимларидан ҳисобланади. Қози Байзовий илмли ва баракали уйда вояга етди. Бошланғич диний билимларни отасидан олди ва кейинчалик ўз асрининг машҳур уламоларидан дарс олди. Илм ичида яшаб ундан озиқланди. Аста-секин юқори даражаларга эришиб, Қуръони карим ва фиқҳ ва усулул фиқҳни тўлиқ ўзлаштирди. Бундан ташқари калом илми, мантиқ, тарих, фалсафа фанларида ўта мохир эди. Шунинг учун ҳам уламолар у хақида

---

[1]Қаранг: Тожуддин Абу Наср Абдулваҳҳоб ибн Тақиюддин Субкий. Тобақотуш шафиъиятил кубро. Ж-5. - Қоҳира. «Ҳусайния» нашриёти, 1974 й. – Б. 59

Абул Фалоҳ Абдулҳай ибнул Имад ал-ҳанбалий. Шазарот аз-заҳаб фи ахбари миназ заҳаб. Ж-5. – Байрут. “Мактаба” тижорий нашриёти, 1999 й – Б. 392

Ҳофиз Жалолиддин Абдурроҳман ас-Суютий. Бағият ал-виъа. Ж- 2. – Қоҳира. “Исо ал-бобий ал-ҳалабий” нашриёти, 1965 й – Б. 50

Жамолиддин Абдурраҳим ал-Аснавий. Тобақот аш-шофиъия лил Аснавий. Ж-1. - Бағдод. “Иршод” нашриёти. ҳ. 1390 й – Б. 283

Исмоил ибн Умар ибн Касир ал-Қураший ад-димашқий. Ал-бидая ван ниҳая. Ж-13. - Байрут. «Мактабатул маориф» нашриёти, 1977 й –Б. 309

Абдуллоҳ ибн Асъад ал-Ёфиий. Миръотул жинон ва ғойротул яқзон фи маърифати ма юътабару мин ҳавадисиз замон. Ж-4. – Қоҳира. “Ҳусайния” нашриёти. 2001 й –Б. 220

Ҳожи Халифа. Кашфуз зунун ан асамал кутуб вал фунун. Ж-2 - Ливан. «Ваколатул маъориф» нашриёти, 1941 й. –Б. 79

Мирзо Муҳаммад Бақир Мақсувий Ҳаванисорий Асбаҳоний. Ровзотул жаннат фи аҳвалил уламо ва садат. Ж-5. - Қум. «Муҳр истивор» нашриёти, ҳ. 1391 й . –Б. 136

[2]Ёқут ибн Абдуллоҳ Ҳамавий. Муъжамул булдан. Ж-2. – Қоҳира. “Саодат” нашриёти, 1906 й –Б. 335

шундай фикр билдиришган: “Байзовий - машҳур имом, ўткир фаҳмли, солиҳ, ибодатгўй, фақиҳ, машҳур мутакаллим, муфассир, муҳаддис, адолатли қози эди”[3].

Байзовий отаси билан ўша даврда форс ўлкасининг пойтахти ҳисобланган Шероз шаҳрига сафар қилди. Ўша даврда Шероз тинч ва хавфсиз шаҳар бўлгани учун уламоларнинг севимли маскани эди. Зеро бу даврда ислом олами мўғил-татарларнинг ҳужумидан хавотирда эди. Шунинг учун ҳам Шерозда нуфузли уламолар йиғилган, Байзовий эса илм излаб сафар қилиш ўрнига ҳаётининг асосий қисмини мана шу ерда ўтказган эди. Байзовий илм булоғидан ичди ва ўз маҳоратини ошириб борди, натижада кўплаб фанлардан дарс бера оладиган устоз бўлиб етишди. Бироз вақт ўтиб Байзовий Шероз қозиларинг қозиси (қозиул қузот) мансабига тайинланди. Бу мансабга эришишига “Анворут танзил ва асрорут таъвил” номли тафсир китоби сабабчи бўлди. Бу ҳақида Хавонисорий шундай дейдилар: “Байзовийнинг мана шу китоби дунёга машҳур бўлишига, ўз даврининг султонига яқин бўлишига, қозилик мансабига тайинланишига сабаб бўлди. Бир куни Байзовий тафсир китобини султоннинг ҳузурига олиб борди ва бу китоб султонга манзур бўлди. Натижада султон ҳазратларидан бу арзирли иш эвазига хохлаган лавозимни сўраши мумкинлигини айтди. Байзовий Байзо шаҳрига қози бўлишни ихтиёр қилди”[4].

Кўп ўтмасдан ўзининг ҳақгўйлиги туфайли қозилик мансабидан кетди. Натижада мансабига қайтиш ниятида Табриз шаҳрига сафар қилди. Субкий “Тобақот аш-шофиъийя ал-кубро” китобида шундай дейдилар: “Байзовий қозилик лавозимидан кетганидан сўнг Табризга сафар қилди. Унинг шаҳарга кириб келиши фозил кишиларнинг илм мажлисига тўғри келиб қолиб ҳеч ким таниб қолмаслиги учун охирги қаторларга ўтирди. Мударрис мажлисда ўтирганларга хеч ким жавобини билмаса керак деб нозик савол бериб унга жавоб беришларини сўради. Шу пайт Байзовий мударрисни ҳайратда қолдириб жавоб бера бошлади ва саволнинг тартибида камчилик борлигини тушунтириб берди. Мударрисни синаб кўриш учун савол бериб кўрди, мударрис эса саволга жавоб бера олмади. Бу мажлисда султоннинг вазири ҳам бор эди. Байзовийни мажлисдан турғазиб олдига чақириб кимлиги сўради. Байзовий ўзини таништирди ва Табриз шаҳридан келганини айтди. Вазир уни икром қилиб мукофат ажратиб берди”[5].

Калом илмига доир “Китабут таволеъ” , “Изоҳ”, “Мисбаҳул арвоҳ” номли китобларни ёзган.[6] Байзовий Шофеъий мазҳабида эди. Ўша пайтда Форс ўлкаси, Хуросон ва Бағдод ҳудудларида шофеъийлик мазҳаби кенг тарқалган эди. Шунинг учун ҳам Байзовий мана шу мазҳабни ихтиёр қилган. Қуръон оятларини тафсир қилаётиб бошқа мазҳаб фақиҳларининг фикрларини ҳам келтириб ўтади.

Байзовий Форс ўлкасида жойлашган Табриз шаҳрида ҳижрий 685 йилда вафот этган.[7] Лекин тарихчилар Қози Байзовийнинг қачон вафот этгани тўғрисида ихтилоф қилганлар. Субкий[8] ва Аснавий[9] 691 йилда вафот этган дейдилар. Ибн Касир[10]ўзининг тарих китобида,

---

[3]Абдуллоҳ Мустафо Марағий. Ал-фатҳул мубийн фи тобақотул усулиййин. Ж-1. – Қоҳира. “Муҳаммад Амин” нашриёти, 1948 й –Б. 77

[4]Мирзо Муҳаммад Бақир Мақсувий Ҳаванисорий Асбаҳоний. Ровзотул жаннат фи аҳвалил уламо ва садат. Ж-5. - Қум. «Муҳр истивор» нашриёти, ҳ. 1391 й - Б. 134

[5]Тожуддин Абу Наср Абдулваҳҳоб ибн Тақиюддин Субкий. Тобақотуш шафиъиятил кубро. Ж-5 - Қоҳира. «Ҳусайния» нашриёти, 1974 й –Б. 59

[6]Жамолиддин Абдурраҳим ал-Аснавий. Ниҳаятус суал фи шарҳи минҳажил вусул. Ж-1 - Қоҳира. «Салафия» нашриёти, ҳ 1343 й –Б. 6

[7] Мирзо Муҳаммад Бақир Мақсувий Ҳаванисорий Асбаҳоний. Ровзотул жаннат фи аҳвалил уламо ва садат. Ж-5. - Қум. «Муҳр истивор» нашриёти, ҳ. 1391 й . –Б. 134

[8]Тожуддин Абу Наср Абдулваҳҳоб ибн Тақиюддин Субкий. Тобақотуш шафиъиятил кубро. Ж-5. - Қоҳира. «Ҳусайния» нашриёти, 1974 й . –Б. 59

[9]Жамолиддин Абдурраҳим ал-Аснавий. Тобақот аш-шофиъия лил Аснавий. Ж-1. - Бағдод. “Иршод” нашриёти. ҳ. 1390 й –Б. 273

[10]Исмоил ибн Умар ибн Касир ал-Қураший ад-Димашқий. Ал-бидоя ван ниҳоя. Ж-13. – Байрут. “Мактабатул маъориф” нашриёти, 1977 й –Б. 309

Хованисорий[11] ва жумҳур тарихчилар Қози Байзовий 685 йилда вафот этган дейдилар. Шиҳоб ал-Хифоий Анворут танзил китобига ёзган ҳошиясида шундай дейдилар: “Тарихчилар наздида Қози Байзовий жумодул-уло ойида таҳминан 719 йилда вафот этган. Бу ишончли хабардир”.[12]

Аллома Жалолиддин Суютий ўзининг الوعاة بغية асарида у зот ҳақларида: Имом аллома, фиқҳ, усул, араб тили, мантик илмлари билимдони, узокни кура биладиган, солиҳ, обид, шофиъий деб таърифлайди.

Қози Байзовий “Анворут танзил ва асрорут таъвил”, “Минҳожул вусул ила илмил усул”, “Ал-ғоятул-қусва фи дироятил фатва”. Ушбу асар Ҳужжатул ислом Ғаззолийнинг “Васийт” “Товалиъул-анвор фи усулид-дин”. “Ат-таҳзиб вал-ахлоқ”. “Луббул албоб фи илмил иъроб”. “Низомут-тавариҳ”. “Мисбаҳул-арвоҳ”. “Китабун фил мантиқ”, “Рисалатун фи мавзуъатил-улум ва таърифиҳа”, “Мухтасар фил ҳайяти”, “Китабун фи асмаиллаҳил-ҳусна”, “Ал-ийзоҳ фи усулиддин” каби асарларнинг муаллифи саналади.

Қози Байзовий бошқа китобларга, жумладан “Шарҳу туҳфатил аброр”, “Шарҳул маҳсул”, “Шарҳул мунтахаб фи усулил фиқҳ”, “Мирсодул-афҳам ила мабадиул аҳком”, “Шарҳут-танбийҳ”, “Шарҳул Кофия фин наҳв”, “Шарҳул фусул” шарҳлар ёзган.

Наҳвшунослар Қуръони каримнинг эъробларига, оят эъробнинг турларига қараб эҳтимол қилган маънога бор эътиборларини қаратишади, наҳв масалалари, фуруъ ва хилофларига шўнғиб кетишади, наҳвшуносларнинг фикрларини, мактабларнинг эътирозларини зикр қилишади. Баъзида бир мактабни бошқасидан устун кўришади ёки баъзи олимлар наҳвий мактабни ёки наҳв олиларидан бирининг фикрини қаттиқ мухофаза қиладилар. Бу нарса Абу Ҳайённинг “Баҳрул муҳийт” асарида, Олусийнинг “Руҳул маъоний”, Роғиб ал-Асфаҳонийнинг “Тафсирул Қуръон” асарларида намоён бўлган.[13]

Фуқаҳолар бўлса ҳукм оятларига эътиборларини қаратиб фиқҳ масалаларига далилларни истинбот қиладилар. Гоҳида муфассир ўзининг мазҳабини маҳкам ушлаб, ўзи юрган йўлни қўллаб қувватлайди ва унинг мазҳабига тескари келганларга раддия билдиради. Бу нарса Ибн Арабийнинг “Аҳкамул-Қуръон”, Қуртубийнинг “Жамиъу лиаҳкамил қуръан”, Жассоснинг “Аҳкомул-Қуръон”, Абу Бакр ар-Розийнинг “Аҳкомул-Қуръон” китобларида кўриш мумкин. [14]

“Тафсирул-Байзовий” ва бошқа раъй билан ёзилган тафсирлар ўртасида бирон бир фанни қамраб олган бир оятни солиштирсак “Тафсирул Байзовий”нинг қиймати ва унинг бошқа раъй билан қилинган тафсирларда ажралиб туриши бизга аён бўлади.

Шунингдек, “Тафсирул Байзовий” асарида тасаввуф ва фалакиёт каби илмлар кенг ёритилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Jalolov, J. J., & Makhkamova, G. T. (2015). Sh. S. Ashurov English Language Teaching Methodology (theory and practice).-T.:" Fan va texnologiya".
2. Saidazimkhon Shodikhonov. (2026). Cross-Linguistic Perspectives On Military Terms: Uzbek, Russian, And English. *Oscar Journal of IJLL*, *6*(01), 195–197. https://doi.org/10.37547/ijll/Volume06Issue01-43
3. Botirovna, M. A. (2024). The efficient use of artificial intelligence in enhancing the research competence of prospective educators. *Modern educational system and innovative teaching solutions*, *1*(4), 676-679.
4. Sadulloyevna, F. D. (2018). The most effective way to improve listening skills. *Достижения науки и образования*, (5 (27)), 41-42.

[11]Мирзо Муҳаммад Бақир Мақсувий Ҳаванисорий Асбаҳоний. Ровзотул жаннат фи аҳвалил уламо ва садат. Ж-5. - Қум. «Муҳр истивор» нашриёти, ҳ. 1391 й –Б. 134

[12]Шайх Шиҳобиддин ал-Хивожий ал-Мисрий ал-Ҳанафий. Иноятул қози ва кифаятур розий. Ж-1 – Байрут. “Дору содир” нашриёти, -Б. 403

[13] Юсуф Аҳмад Али. Байзовий ва манҳажуҳу фит тафсир. - Макка. «Уммул қуро» университети. –Б. 411

[14] Ўша асар –Б. 414

5. Fayazova, D. S. (2018). The best ways to learn English. *Достижения науки и образования*, (5), 42-43.
6. Xamdamovna, I. M. (2025). TA'LIM JARAYONIDA O'YIN ASOSIDAGI METODLARNING NAZARIY ASOSLARI. *IZLANUVCHI*, *1*(6), 312-327.
7. Мамирова, Д. Ш. (2020). REKLAMA MATNLARINING TIL XUSUSIYATLARI. *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА*, *3*(4).
8. Mamirova, D. (2024). REKLAMA MATNLARIDA XRONOTOPNING LINGVISTIK XUSUSIYATLARI. *Innovation: The journal of Social Sciences and Researches*, *2*(1), 45-47.
9. Хайруллаев, Х. (2008). Нутқ бирликларининг поғонали муносабати.
10. Abdurasulova, K. (2025). Changes in Milk Production and Quality Indicators of Milk Flow (Goats) in Accordance With their Origin and Feeding. *MAKTABGACHA VA MAKTAB TA'LIMI JURNALI*, *3*.
11. Hotamovna, U. G., Abdusalamovna, K. M., & Mukhtarovna, K. D. (2021). NEW INTERPRETATION OF THE POETRY. *International Journal of Management*, *12*(2).
12. Холова, М. (2015). МАСТЕРСТВО СОЗДАНИЯ ПОЭТИЧЕСКИХ СИМВОЛОВ В ЛИРИКЕ (НА ПРИМЕРЕ ПОЭЗИИ ФАХРИЁРА). In *Современная филология: теория и практика* (pp. 114-119).
13. Mamayunusovna, P. I. (2021). BOBURNOMA. *AS A HISTORICAL AND LITERARY SOURCE. Thematics Journal of Social Sciences*, *7*(5).
14. Муродова, Ф. (2025). The importance of country research project for developing language skills. *Диалог, интеграция наук и культур в процессе научного и профессионального образования*, *1*(1), 426-428.
15. G'Anisherovna, M. F. (2024). NUTQ MADANIYATI LINGVISTIK-PEDAGOGIK HODISA SIFATIDA. *Science and innovation*, *3*(Special Issue 38), 142-143.
16. Begmatov, Q. (2019). On the issue of optimizing the teaching of German as a second foreign language in a non-linguistic university. In *Science and practice: a new level of integration in the modern world* (pp. 29-31).
17. Базарова, Ш. (2024). Судьба женщины в рассказах Айдын Собировой. *Зарубежная лингвистика и лингводидактика*, *2*(2), 24-28.
18. Джураева, Н. Г. (2014). Региональные проекты в системе управления инвестиционным и ресурсами. *Вестник Таджикского государственного университета права, бизнеса и политики. Серия общественных наук*, (3), 145-150.
19. Джураева, М. Разработка Технико-экономического Обоснования Проекта В Условиях Развития Финансовой Системы И Отраслей Цифровой Экономики. *Green Economy and Development*, *2*(6), 664451.
20. Abdiualievna, E. M. (2025, November). THE LIFE AND SCIENTIFIC HERITAGE OF MAHMUD KASHGARI. In *Conferences* (Vol. 1, No. 7, pp. 41-46).